
Карантин зонага ишлаш учун кўнгилли шифокорлар рўйхати тузилаяптими?

UZ: Айни дақиқаларда АОКА ҳузуридаги штабда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков иштирокида брифинг ўтказилмоқда.

□Карантин зонага ишлаш учун кўнгилли шифокорлар рўйхати тузилаяптими? Агар рўйхат тузилиб, ишга олиб кетилаётган бўлса тиббиёт ходимларига қандай шароитлар яратилган ва ойлик маошлари қандай тўланади?

□Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бундай ҳоҳиши бор тиббиёт ходимларини рўйхатини шакллантиради. Хабарингиз бор, касалликга чалинган беморларни даволаш билан шуғулланган шифокорлар 14 кунда янги тиббий ходимлар бригадаси доим шундай тарзда алмашиб туришади, демак мурожаат қилишингиз ва захирага ёзилишингиз мумкин.

2020-03-30 13:45:30